

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Каттакўрғон шаҳар

Ободонлаштириш бошқармаси

бошлиғи Ф.Қурбанов

” апрел 2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

Танлов предмети: Каттакўрғон шаҳар Ободонлаштириш бошқармасига хар хил турдаги кўп йиллик дарахт кўчатлари олиш бўйича.

1.2. Танлов охирги киймати – Каттакўрғон шаҳар Ободонлаштириш бошқармасига хар хил турдаги кўп йиллик дарахт кўчатлари олиш бўйича

| № | Кучатлар номи | Улчов бирлиги | микдори | нархи | Суммаси |
|---|-----------------------------|------------------|---------|----------|---------------------|
| 1 | Элдор сосна бўйи 180x2м | дона | 325 | 30 000,0 | 9 750 000,0 |
| 2 | Голубой кепарис бўйи 2x2,1м | дона | 15 | 50 000,0 | 750 000,0 |
| 3 | Канор палма буйи 1,8 м | дона | 15 | 90 000,0 | 1 350 000,0 |
| 4 | Вашингтон палма бўйи 2 м | дона | 15 | 90 000,0 | 1 350 000,0 |
| | Жами | | | | 13 200 000,0 |

жами **13 200 000 (Ўн уч миллион икки юз минг) сўм.**

Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Каттакўрғон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) –танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили:, Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳар Умар хайём кўчаси 9 уй

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Каттакўрғон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда товар етказиб бериш ҳамда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- 1) танлов предменти кийматининг камида Ҳисоб рақамида 15% маблағ мавжудлиги тўғрисида маълумот;
- 2) Бажарувчи корхона таклиф билан бирга, корхона гувоҳномаси, раҳбарнинг буйруғидан кўчирма, раҳбарнинг паспорт нусхасини тақдим қилиши лозим;
- 3) Банк ва солиқ қумитасидан қарздолиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ҳамда ндс тўловчи тўғрисида гувоҳнома бўлса тақдим қилиши;
- 4) Ишчи ходимлар тўғрисида маълумот (Ф.И.Ш паспорт ва буйруқ нусхалари) ва транспорт воситалари, асосий воситалар ва асбоплар(ТМЗ) мавжудлиги (балансда ёки ижара шартномаси)

Агар танлов предменти бўлган товар етказиб бериш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рўхсат этилади.

3.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАШКИЛОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Бююртмачм” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилилиши лозим.

4.3. Қўйилишидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади.

- Техник таклиф, Фирменни биланқада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;
- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўқшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юболишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тугишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Комиссия раиси:

1. Ишанкулов Алишер Султонович-бош муҳандис-

Аъзолар:

2. Носиров Ақром Кўчимович- бўлим бошлиғи-
3. Асадов Юлдош Мейлиев - бўлим бошлиғи -
4. Пардаев Хамидулло Пардаевич – Техник назоратчи-
5. Шомаматов Зухриддин Бахриддинович—Бош ҳисобчи
6. Файзуллаев Ахтам Раҳматович—техника ҳафсизлик муҳандиси
7. Мардиқулов Эркин Суёнович—Омбор мудири

